Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 22 декабрь, № 265 (7223) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ТОШКЕНТ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖЛАНГАН ЙИРИК ХАЛҚАРО МАРКАЗГА АЙЛАНАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.



Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан мақсад ҳаётимиз ободлиги, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини таъминлашдан иборат. Бу тиббиёт тизимидаги изчил ўзгаришларда ҳам акс этмоқда. Аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар натижасида мамлакатимизда ўртача умр кўриш 1990 йилдаги 67 ёшдан 2017 йилда 74 ёшни ташкил этди.

Халқимизга сифатли ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишда хусусий секторнинг улуши ортмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудида хусусий тиббиёт муассасалари қуриш ва кўрсатилаётган тиббий хизмат турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йилда мамлакатимизда 400 дан зиёд, жумладан, Тошкент шаҳрида 115 та хусусий клиника ташкил этилди.

Президентимиз ана шундай муассасалардан бири, Мирзо Улуғбек туманидаги «ДМС» хусусий инновацион клиникасига ташриф буюрди.

Тўрт қаватли ушбу шифо масканы хавфсизлик, энергия тежамкорлик ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўп тармоқли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича энг замонавий талабларни ҳисобга олиб қурилган. Клиника фасади Германиянинг инновацион технологияси асосида ишлаб чиқарилган иссиқлик ва овоз қайтарувчи изоляция материаллари билан қопланган.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Зулфия Мақсудова раҳбарлик қилаётган клиника Россия, АҚШ, Германия, Австрия, Японияда ишлаб чиқарилган юқори технологияли тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Шифокорларнинг барчаси хориждаги етакчи клиника ва тиббиёт марказларида малака оширган.

Жорий йил апрель ойида фаолият бошлаган инновацион клиникада офтальмология, нейрожарроҳлик, ортопедия, пластик жарроҳлик, кардиология, ЛОР, педиатрия, реабилитация, физиотерапия каби ўн бешдан ортиқ ихтисосликлар бўйича ташхислаш ва даволаш йўлга қўйилган. Замонавий лаборатория диагностикаси билан таъминланган.

Биринчи қаватда беморлар ташхисдан ўтказилиб, мутахассислар маслаҳатини олади. Иккинчи қаватда жарроҳлик амалиётлари бажарилади. Вилоятлар ва қўшни мамлакатлардан келган беморлар ётиб даволанади. Компьютерли биобошқарув хонасида медикаментларсиз даволаш, руҳий ва нутқий нуқсони бор беморларни соғлом ҳаётга қайтариш мумкин.

Клиникада тўр парда касалликлари ва патологик ҳолатларни контраст воситаларсиз ташхислаш имконини берадиган «Topcon» томограф-ангиографи, микроинвазив операциялар ўтказиш учун «Constellation Vision System» аппарати ўрнатилган. Бундан ташқари, сўнгги авлод артроскопи ёрдамида кам инвазивли даволаш диагностик амалиётлари бажарилади. Бўғимларда эндопротезлаш амалиётлари, жароҳатлар ва операциялардан кейинги комплекс реабилитация хизматлари кўрсатилади.

Давлатимиз раҳбари инновацион клиникадаги шароитларни кўздан кечирди, шифокорлар билан суҳбатлашди. Касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва сифатга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Биз нима учун тиббиётда хусусий тармоққа шароит яратяпмиз? Рақобат бўлиши керак. Рақобат бор жойда сифатга интилиш бўлади, даволаш, хизмат кўрсатиш яхшиланади, деди Шавкат Мирзиёев.

Кўз микрожарроҳлиги бўйича инновацион ўқув-симуляция марказини ташкил этиш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Ушбу марказда кўз микрожарроҳлиги мутахассисларини тайёрлашнинг жаҳон стандартларига мос инновацион услуби татбиқ этилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани маъқуллаб, кадрлар малакасини оширишга хизмат қиладиган бундай симуляция марказларини тиббиётнинг бошқа йўналишлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев «Steel property construction» МЧЖ қўшма корхонаси ҳудудидаги ишлаб чиқариш қувватларини кўздан кечирди.

Яшнобод туманидаги собиқ авиация заводига қарашли фойдаланилмай ётган биноларда иш бошлаган ушбу МЧЖ ҳудудида қатор корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда хориждан технологиялар келтирилиб, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қарийб 20 гектарлик ҳудудда мармар плиталар, иссиқхона жиҳозлари, металл конструкциялар, эшиклар, қувурлар, пўлатдан тайёрланган иситиш радиаторлари, сендвич панеллар ишлаб чиқарилмоқда.

Масалан, «Dacros» корхонаси Европа технологияси асосида темир эшиклар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Бу эшиклар кўп қаватли тураржойлар йўлаклари, намунавий уйларга ўрнатилмоқда.

Яна бир бинода Нидерландия технологияси асосида турли ўлчамдаги металл конструкциялар ишлаб чиқариш ташкил этилган. Бу ерда йилига 24 минг тонна металл маҳсулотлар билан бирга, сендвич панеллар, брусчаткалар, йўл чети тўсиқлари, иситиш радиаторлари тайёрланади. Ички бозордан ташқари қўшни мамлакатлар маҳсулотнинг асосий бозори ҳисобланади.

«Midas agrotech» корхонасида замонавий иссиқхона мажмуалари учун конструкциялар, шунингдек, қуёш нуридан ҳимояловчи тўрлар, пластик яшиклар, полиэтилен плёнка кабилар ишлаб чиқарилади.

«Бектемир металл конструкциялари» корхонасида йўл тўсиқлари, ёритиш устунлари, қурилиш конструкциялари, электр пайвандланган қувурлар тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари мазкур цехлардаги ишлаб чиқариш жараёнини кузатди. Маҳсулотлар сифати ва бозори билан қизиқди.

Бектемир туманидаги «Бинокор» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар намойиш этилди.

Президентимиз мазкур корхонада ишлаб чиқарилган темир-бетон панеллардан намуна сифатида қурилган хоналарга кириб кўрди. Кўп қаватли уйларни тез муддатларда қуриш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш учун бундай корхоналар жуда зарурлигини таъкидлади. Шу йўналишга ихтисослаштирилган корхоналарни кўпайтириш ва кадрлар тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Тошкент шаҳри иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги корхоналар ташкил этишга доир лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

2019 йилда пойтахтимизга камида 2 миллиард 700 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритилиши мўлжалланмоқда. Ушбу маблағлар ҳисобига 227 та лойиҳа амалга оширилиб, туманлар кесимида 28 мингдан зиёд қўшимча иш ўринлари ташкил этилади. Натижада саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ўсиш кўрсаткичлари таъминланади, бюджетга солиқ тушумлари янада кўпайтирилади.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» негизида ташкил этиладиган «Инвестор марказлари»да тадбиркор ва сармоядорларга комплекс хизматлар кўрсатилади.

Германиянинг «VERIDOS» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхонада пластик карточкалар, ID карта ва чиплар, «Best stainless stell Co.ltd» корхонаси томонидан никель металл маҳсулотлари, «Real House» компанияси томонидан кўп тармоқли шифохона, логистика маркази, шунингдек, бетон маҳсулотлари, мебель, мато ва сочиқлар ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари киритиладиган инвестицияларни кафолатлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, пойтахтимизда янги инвестициявий муҳит яратиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

Президентимиз Чилонзор туманидаги Боғистон кўчасида бунёд этилаётган кўп қаватли уйларнинг қурилиши билан танишди. Бу ерда 9 қаватли 23 та уй қурилиб, келаси йил фойдаланишга топширилади.

Сир эмас, мамлакатимизда уй-жойлар қурилиши деярли тўхтаб қолганди. Атиги уч-тўрт йил олдин ҳам нафақат пойтахтимизда, вилоят, туман ва шаҳар марказларида, олис қишлоқларда арзон уй-жойлар қурилишини ҳеч ким тасаввур қилолмас эди.

Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришган илк кунларданоқ ана шу оғриқли, ҳаётий долзарб муаммони ҳал қилишга киришди.

2017 йилдан илк маротаба аҳоли учун арзон, барча қулайликка эга бўлган кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бошланди. Шу йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Аҳолининг арзон уйларга талабини қондириш учун жорий йилда биргина қишлоқ жойларнинг ўзида 3 мингдан зиёд ёки ўтган йилдагига нисбатан икки баробар кўп арзон намунали уй-жой қурилди. Бу жараён изчил давом этади.

Боғистон кўчасида қурилиши бошланган кўп қаватли уйлар ҳам миллий менталитетимизга хос замонавий қурилиш андозалари асосида қад ростлайди. Тураржойлар зилзилабардошлиги, ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча қулайликларга эгалиги билан ажралиб туради. Ҳовлисида болалар майдончалари, автотураргоҳ, савдо маркази бўлади.

Президентимиз янги уйлар пойтахтимиздаги энг намунали яшаш манзилларидан бирига айланиши кераклигини таъкидлади.

Шу ерда Тошкент шаҳрида коммунал тармоқларни ривожлантириш, каналларни таъмирлаш ва туташ ҳудудларни ободонлаштириш, йўлўтказгичлар қурилиши бўйича лойиҳалар намойиш этилди. 2019 йилда Салор, Дамаши, Қорасув, Бектемир, Бўзсув, Жўн, Бўрижар каби каналлар таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилади.

(Давоми 3-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги 915–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **11-модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, шунингдек экин майдонларидан самарали фойдаланилиши ва ерларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади»;

2) **13-модданинг учинчи қисми**:

**ўн тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«деҳқон, фермер хўжаликларининг ва томорқа ер эгаларининг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади»;

қуйидаги мазмундаги **йигирма учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тегишли ҳудудда барча деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари кесимида етиштириладиган маҳсулотнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида қарор қабул қилади»;

**йигирма учинчи — йигирма тўртинчи хатбошилари** тегишинча **йигирма тўртинчи — йигирма бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилди, маъмурий функцияларни номарказлаштириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари (кейинги ўринларда — маъмурий кенгашлар) ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини бошқариш механизми соддалаштирилди.

Шу билан бирга, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш амалиётини ўрганиш уларнинг самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолиятининг етарлича самарали эмаслиги, шунингдек, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг суст ривожланганлиги инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда ва эркин иқтисодий зоналарнинг салоҳиятли инвесторлар учун жозибадорлигини пасайтирмоқда.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштиришда давлат бошқаруви органлари функцияларининг такрорланиши инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилишнинг кечикишига олиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## Ж. А. Артикходжаевни Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Жахонгир Абидович Артикходжаев** Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 21 декабрь

**Муносабат**

## ЯКУНЛАНАЁТГАН ЙИЛ ҲАҚИДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ҚАНДАЙ ФИКРДА?

*Саноқли кунлардан сўнг 2018 йил тарихга айланади. У Ўзбекистон фуқаролари ҳаётида қандай из қолдирди, одамлар Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида мамлакатда эришилган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиёт ҳақида нималар демоқда? “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган навбатдаги тадқиқотда ана шу саволларга жавоб изланди.*

*Унда республикамизнинг барча ҳудудидан ҳамюртларимиз, турли ёш, касб, миллат вакиллари иштирок этди. Умуман, ижтимоий сўров шуни кўрсатдики, ўтаётган йил барқарор ва муваффақиятли кечди.*

### Тўсиқларсиз бизнес

Респондентларнинг 87,4 фоизи Ўзбекистонда иқтисодий фаоллик сифатли ўсишининг янги даври бошланган, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, бу борадаги туб ижобий ўзгаришлар, биринчи навбатда, мамлакат Президенти фаолияти, давлат раҳбари томонидан илгари сурилган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар билан боғлиқ.

3



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 82-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда) **55-моддаси биринчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга, шунингдек туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгашининг биргаликда берилган тавсиясига эга бўлган ёш фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги 602–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил., № 4, 224-модда) **11-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар бошқа тенг шартларда устун ҳуқуқдан фойдаланади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»**ги 604–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 88-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-модданинг биринчи қисмидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **8-модда**:

**биринчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга, шунингдек туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгашининг биргаликда берилган тавсиясига эга бўлган ёш фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилади»;

**учинчи қисмидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисмидаги** «Томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

3) **9-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги** «Томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисмидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

4) **10-модданинг**:

**номидаги** «Томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

**матнидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

5) **12-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

**саккизинчи хатбошисидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

**бешинчи хатбошисидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

6) **27-модданинг**:

**учинчи хатбошисидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

**олтинчи хатбошисидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги 69–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ–328-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар) **25-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**иккинчи қисмидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «Томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **329-модданинг 35-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35) Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари — фермер, деҳқон хўжаликларининг ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қилинган шикоятлар юзасидан»;

2) **330-модданинг 29-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29) Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари — фермер, деҳқон хўжаликларининг ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қилинган шикоятлар юзасидан».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**8-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 21 декабрь
№ ЎРҚ—506

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада соддалаштириш, инвестициялар жалб қилиш учун шароитларни яхшилаш, инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлаш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки:

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратиш, туман (шаҳар) ҳокимининг ер майдонларини ажратиш тўғрисидаги алоҳида қарорисиз, маъмурий кенгашларнинг инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга ошириш учун эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш тўғрисидаги баённомалари билан расмийлаштирилади;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришнинг шарти сифатида фаолият бошланганидан кейин иккинчи молиявий йили якунларига кўра икки йил давомида йиллик **ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25 фоизидан кам бўлмаган**, **кейинги йилларда 50 фоиздан кам бўлмаган** миқдорда экспорт қилиш белгиланади. Мазкур шартлар бажарилмаган тақдирда, тадбиркорлик субъектининг эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси мақоми ҳамда аввал тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинади;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича маъмурий кенгашлар томонидан қарорлар бизнес-режалар ва техник-иқтисодий асосларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" (кейинги ўринларда — Марказ) ДУКнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда қабул қилинади;

Марказнинг амалга оширилаётган лойиҳалар бизнес-режалари ёки уларнинг техник-иқтисодий асосномалари бўйича хулосалар бериш муддатлари **йигирма календарь кунидан ошмаслиги лозим**;

маъмурий кенгашлар томонидан ишлаб чиқариш лойиҳаларини эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиш муддати Марказ томонидан **хулоса бериш жараёни билан бирга ўттиз календарь кунидан ошмаслиги лозим**;

эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда импорт қилинган товарларнинг божхона расмийлаштируви товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича Марказнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади;

товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш бўйича Марказнинг хулоса бериш муддати **ўн беш календарь кунидан ошмаслиги лозим;**

эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига берилган имтиёзлар фақат эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга татбиқ этилади;

эркин иқтисодий зоналарнинг бош режалари маъмурий кенгашлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

эркин иқтисодий зоналар дирекцияларининг директорларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш маъмурий кенгашлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда дирекция раҳбарларининг маъқулланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши бўйича ҳисоботларини эшитади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда **"Навоий" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини энг яхши жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини** киритсин:

"Навоий" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси" ДУКнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини акциядорлик жамиятига ўзгартириб, унинг балансига "Навоий" эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари объектларини давлат улуши сифатида, шунингдек, "Навоий" эркин иқтисодий зонасининг барча ер майдонларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш;

"Навоий" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси томонидан эркин иқтисодий зона иштирокчиларига, шу жумладан, маркетинг, консалтинг, логистика, коммунал-маиший, меҳмонхона, таълим, суғурта ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш;

"Навоий" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида соддалаштирилган виза режими ва ходимларни, шу жумладан, чет эл фуқароларини ишга ёллаш тартибини жорий қилиш;

эркин иқтисодий зона қатнашчилари учун лицензия ва рухсатнома олишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилиш. Бунда "Навоий" эркин иқтисодий зонаси дирекциясига қатнашчини кузатиш ва талабгорнинг малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш ваколати берилади;

"Навоий" эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси лойиҳаларни жойлаштириш шартларини бажармаган тақдирда у билан тузилган шартномани фақатгина суд тартибида бекор қилиш тартибини ўрнатиш;

"Навоий" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида чет эл фуқаролари учун қулай яшаш ва меҳнат шароитларини яратиш.

3. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига:

инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни эркин иқтисодий зоналар ҳудудига жалб қилиш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ишга туширишга тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаб, юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўрган ҳолда, лойиҳаларнинг бажарилиши ва иштирокчилар фаолияти самарадорлиги устидан доимий мониторинг олиб бориш;

б) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига:

инвесторларни жалб қилиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар ҳудудида зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, муҳандислик-транспорт инфратузилмаси, ижтимоий-маиший ва маданий-жамоатчилик объектлар билан таъминланганлик даражасини яхшилаш;

эркин иқтисодий зоналарнинг ихтисослашуви ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини белгилаш ва шу асосда лойиҳаларни танлаб олишнинг аниқ мезонларини, берилаётган имтиёзлар ҳамда давлат кўмагининг бошқа шаклларини белгилаш;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотни экспортга етказиб беришни кўпайтириш мақсадида қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолияти устидан таъсирчан назорат ўрнатиш, вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органларига ҳамда эркин иқтисодий зоналар дирекциялари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини таъминламаган раҳбарларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тўғрисида таклифлар киритиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчиси мақомини тўхтатиш ёки бекор қилиш, маъмурий кенгашлар, эркин иқтисодий зоналар дирекциялари ёки бошқа органлар ва ташкилотларнинг инвесторлар томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармагани тўғрисидаги тақдимномалари асосида маъмурий кенгашларнинг хўжалик юритувчи субъектларни эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш бўйича қарорларини бекор қилиш;

г) Иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси бўлинмаларига:

эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиши ва фаолият кўрсатиши, уларнинг ҳудудларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш юзасидан вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлинмалари раҳбарларининг, шунингдек, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари биринчи раҳбарларининг мазкур Фармонда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш бўйича жавобгарлик юклансин.

4. Эркин иқтисодий зоналар дирекцияларига ўз ҳудудларининг бош режалари ва архитектура-режалаштириш ишларини ишлаб чиқишда буюртмачи сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Қуйидагилар:

**2019 йилда эркин иқтисодий зоналарнинг автомобиль йўллари, сув таъминоти ва канализация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш бўйича "Йўл харитаси"** (кейинги ўринларда — "Йўл харитаси") 1-иловага мувофиқ;

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг янгиланган намунавий таркиби** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

а) Иқтисодиёт вазирлиги билан бирга **2019 йилнинг 1 апрелига қадар** қуйидагиларни назарда тутувчи **Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш концепцияси** (кейинги ўринларда — Концепция) лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин:

эркин иқтисодий зоналарнинг ихтисослашуви, инвестиция лойиҳаларини танлаб олишнинг аниқ мезонлари, берилаётган имтиёзлар ва давлат кўмагининг бошқа шаклларини белгилаш;

инвесторларни жалб қилиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар ҳудудида зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, муҳандислик-транспорт инфратузилмаси, ижтимоий-маиший ва маданий-жамоатчилик объектлар билан таъминланганлик даражасини яхшилаш;

эркин иқтисодий зоналарнинг бошқариш тизимини, шу жумладан, дирекциялар фаолиятини ташкил этишда ягона стандартларни белгилаш, кўрсатилаётган хизматларнинг рўйхатини кенгайтириш, шунингдек, эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий компанияларга ишончли бошқарувга бериш йўли билан такомиллаштириш;

б) Адлия вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Вазирлар Маҳкамасига **Маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналарнинг дирекциялари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни** тасдиқлаш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин, унда эркин иқтисодий зоналарнинг вазирлик, идоралар, ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини назарда тутсин;

в) маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналарнинг дирекциялари билан биргаликда **икки ой муддатда**:

самарасиз фойдаланилаётган ер участкаларини қайтарган ҳолда, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари билан ердан фойдаланиш шартномаларини қайта кўриб чиқиш ёки қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига ердан оқилона фойдаланиш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг белгиланган муддатларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни бошламаган иштирокчилари билан келишувларни бекор қилиш;

қисқа муддатларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ҳисобга олиб, қолоқ лойиҳалар бўйича тармоқ жадвалларини тузишни таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда**:

буюртмачилар томонидан бирламчи маълумотларни интернет тармоғи орқали рақамли имзодан фойдаланган ҳолда киритиш, шунингдек, лойиҳаларни муайян мезонлар асосида қатъий белгиланган аниқ автоматик алгоритм бўйича баҳолаш имконини берадиган, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун аризаларни маъмурий кенгашлар томонидан кўриб чиқишнинг электрон тизимини;

эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларининг ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириши, маҳсулотларни экспорт қилиши, янги иш ўринлари яратиши ҳамда инвестициявий мажбуриятларни бажариши устидан тезкор назорат олиб бориш имконини берувчи эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини;

мазкур Фармон талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги "Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3356-сонли қарори 12-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ягона порталининг янгиланган версиясини ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

д) Иқтисодиёт вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **2019 йилнинг 1 мартига қадар** эркин иқтисодий зоналар бўйича қабул қилинган қонунчилик базасини хатловдан ўтказсин ва тўғридан-тўғри амал қиладиган **"Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни** лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва унда ушбу Фармон қоидалари ҳамда кейинчалик ўз кучини йўқотадиган Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонуни нормаларини назарда тутсин;

е) Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантиришда "Йўл харитаси"да белгиланган чора-тадбирларни молиялаштиришни назарда тутсин;

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

**бир ой муддатда** эркин иқтисодий зоналар учун инфратузилмаларни барпо этиш бўйича ҳукумат қарорларининг амалий ижросини таҳлил қилсин, зарур ҳолларда, молиялаштириш кўрсаткичлари ва манбаларини қайта кўриб чиқсин ҳамда ҳар бир эркин иқтисодий зона кесимида Инфратузилмани жадал ривожлантириш дастурини тасдиқласин;

**икки ой муддатда** ҳар бир эркин иқтисодий зона бўйича муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини босқичма-босқич қуриш тармоқ графикларини тасдиқласин, уларнинг ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва ишга тушириш муддатлари билан боғланишини таъминласин.

8. Қуйидагилар зиммасига:

Иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г. К. Саидовага — вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиши ва ишлаши, шунингдек, уларнинг ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д. Р. Лига — Марказ томонидан эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг бизнес-режалари ёки техник-иқтисодий асослари бўйича хулосалар ўз вақтида берилиши;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раҳбарлари С. Р. Холмурадов, С. Х. Бекенов, Л. Ш. Қудратовга — маъмурий кенгашлар томонидан эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун инвестиция буюртмаларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва инвестиция лойиҳаларини эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш бўйича қарорлар ўз вақтида қабул қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М. Х. Салиевга, "Ўзбекэнерго" АЖ бошқаруви раиси У. М. Мустафоев, "Ўзтрансгаз" АЖ бошқаруви раиси Б. Б. Эшмурадов, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бош менежери-муҳандиси Х. Н. Хасилов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ҳокимларига — ташқи инфратузилмаларни қуриш ва уларга эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларининг уланиши ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун электр энергияси, табиий газ, сув ҳамда ташқи канализация тармоқлари билан узлуксиз таъминланиши юзасидан **шахсий жавобгарлик юклансин**.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси бир ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б. М. Мавлонов ва Г. К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 21 декабрь

# ТОШКЕНТ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖЛАНГАН ЙИРИК ХАЛҚАРО МАРКАЗГА АЙЛАНАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Каналлар атрофида, одамлар дам оладиган, болалар чўмиладиган обод ва хавфсиз ҳудудлар ташкил этиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш, иссиқлик манбаи бўйича ёпиқ сув таъминоти тизими лойиҳаларини тезлаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Бугун Сергели туманида қурилиш кранлари шунчалик кўпки, худди дарахтзорга ўхшайди. Бу бунёдкорлик ишлари кўламидан, шиддатидан. Жумладан, Чоштепа маҳалласи ҳудудида 3 минг 696 хонадонли 66 та кўп қаватли уй қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари янги уй-жойларни бориб кўрди.

Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг июль ойида ушбу маҳаллага ташриф буюриб, қурилиш жараёни билан танишган, мутасаддиларга бунёдкорлик ишларини ўз вақтида ва сифатли якунлаш бўйича топшириқлар берган эди. Атиги беш ойда бу ерда улкан мавзе қад кўтарди. 1 минг 176 хонадонга мўлжалланган 21 уй барпо этилди. Бошқа уйлар қурилиши давом этмоқда.

Аҳамиятли томони, Туркиянинг инновацион технологиялари асосида бинонинг ташқи деворлари энергия тежамкор материаллар билан қопланган. Бу уйларнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди.

Президентимиз ушбу уйлардан бирини кириб кўрди. Қурилиш соҳасида янги тизим яратилганини, бу аҳолини уйли қилиш билан бирга, кўплаб иш ўринлари ҳам очаётганини таъкидлади.

Мавзеда маҳалла гузари ҳам бунёд этилган бўлиб, унда маҳалла раиси ва маслаҳатчилари хоналари, уй-жой мулкдорлари ширкати, профилактика инспектори хонаси, кутубхона фаолият юритади.

Шавкат Мирзиёев туман ҳудудидаги яна бир мавзеда бўлди. Бу ерда ҳам кўп қаватли тураржой бинолари барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари миллий-диний қадриятларимизни тиклаш, буюк аждодларимизнинг ислом ривожига қўшган улкан ҳиссасини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шундай ташаббуслардан бири — «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли резолюция қабул қилиш таклифи БМТ Бош Ассамблеясининг 12 декабрдаги ялпи сессиясида барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ушбу тарихий воқеа Ўзбекистонда дин соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жаҳонда тан олинаётганидан, юртимизнинг ушбу масалаларда бой тарих ва катта тажрибага эга эканидан далолат беради.

Пойтахтимизда барпо этилаётган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази давлатимиз раҳбарининг айни соҳадаги эзгу ташаббусларидан биридир.

Шавкат Мирзиёев жорий йил 15 июнь куни ушбу марказ қурилишига ташриф буюриб, иншоот пойдеворига тамал тоши қўйган эди. Бугунги кунда бино конструкциялари қад кўтариб, қурилиш ишлари жадал давом этмоқда.

Уч қаватли марказ қадимий мадрасаларимиз услубида қурилади. Бинонинг симметрик марказига Усмон Қуръони қўйилади. Иккинчи қаватда кутубхона, анжуманлар ва кўргазма заллари бўлади. Учинчи қават ахборот-ресурс маркази, илмий кафедралар ва бошқа хоналарни ўз ичига олади.

Президентимиз қурилиш жараёни билан танишди. Кўргазмалар залида Ўзбекистон тарихи даврлар бўйича, ҳар бир аср, ҳар бир алломага оид манбалар ва ашёлар асосида намойиш этилиши зарурлигини таъкидлади.

Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак. Бу марказга келган одам тарихимиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши, катта маънавий озуқа олиб кетиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари марказни пардозлаш ва жиҳозлашни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Тошкент шаҳрида 2017 йили ялпи ҳудудий маҳсулот 5 фоизга ўсгани қайд қилинди. Жорий йилда бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Шунингдек, жорий йил якуни бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 9,2 фоиз, қурилиш ишлари 11,6 фоиз, хизмат кўрсатиш 10,5 фоиз ўсади. Бу мамлакатимиз бўйича энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Президентимиз Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим йўналишларни кўрсатиб ўтди. Тошкент шаҳрини йирик ишбилармонлик ва молия марказига айлантириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги глобаллашув даврида иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб этиб, бизнес учун қулай шароитлар яратиб бераётган шаҳарлар жадал ривожланмоқда. Тошкент шаҳрини юқори технологик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, банк, молия, суғурта ва бошқа замонавий хизматлар кўрсатадиган йирик халқаро марказга айлантиришимиз зарур. Шаҳар атрофи саноат зоналари, шаҳар ичи эса инновацион ҳудуд бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Ижтимоий соҳа, қурилиш ва коммунал тармоқларини ривожлантириш, аҳоли ва туристлар учун қулайликларни кўпайтириш бўйича ҳам истиқболдаги муҳим вазифалар белгиланди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг тавсиясига биноан Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаётган Жаҳонгир Ортиқхўжаев Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сўзга чиққанлар ҳоким ва унинг барча ўринбосарлари, барча фаоллар Президентимиз томонидан пойтахтимизни жадал ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифаларни бажариш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этишини таъкидладилар.

**ЎзА.**



## Парламент ҳаёти

*Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз ҳаётига дахлдор ўта муҳим масалалар — адолатли ва рағбатлантирувчи солиқ тизимини яратиш, янги қабул қилинган солиқ сиёсати концепциясини амалиётга тўлиқ татбиқ этиш, бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокама этилди. Унда кўтарилган долзарб масалалар кенг жамоатчилик, айниқса, парламент вакиллари ўртасида чуқур таҳлил қилинмоқда.*

# Солиқ сиёсати концепцияси: АДОЛАТЛИ, МАНФААТЛИ, ОЧИҚ-ОШКОРА

*Мухбиримиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг айримлари билан мулоқотда бўлди.*

**Абдуғани УМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Давлатимиз раҳбари ўтказган йиғилишда муҳокама қилинган, мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги ҳаётига бевосита дахлдор долзарб масалалар кўпчилик қатори мени ҳам чуқур мушоҳада юритишга ундади.

Дарҳақиқат, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида қабул қилинган мазкур концепцияда, аввало, солиққа тортиш соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш, солиқ юкини камайтириш, чинакам бозор иқтисодиётини ривожлантириш, мамлакатимизда бизнес юритиш учун жуда катта имкониятлар, халқаро даражадаги қулай шароитлар яратиш назарда тутилган. Буни айрим рақамлар ҳам шарҳлаб бера олади.

**Э**ътибор беринг, келаси йилдан солиқ турлари **19 тадан 15 тагача** қисқаради. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси **14 фоиздан 12 фоизгача**, дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича фойда солиғи ставкаси **10 фоиздан 5 фоизгача** пасайтирилади.

2019 йил 1 январдан бошлаб, ходимлар сонидан қатъи назар, товар айланмаси 1 миллиард сўмдан юқори бўлган субъектлар умумбелгиланган солиқ тўловига ўтиши, бунда товар айланмаси 1 миллиард сўмдан 3 миллиард сўмгача бўлган корхоналар қўшимча қиймат солиғини ихтиёрий равишда соддалаштирилган тартибда тўлаши мумкинлиги, яъни корхоналар сотиб олинган товарлар бўйича алоҳида ҳисоб-фактура юритмасдан ва солиқни товар айланмасидан келиб чиқиб, соҳалар кесимида табақалашган ҳолда тўлаши белгиланмоқда.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда умумбелгиланган солиқларни ҳисоблаш бўйича ҳудудий солиқ органлари ходимларининг малакаси ва амалий кўникмасини ошириш, тадбиркорлик субъектлари бухгалтерларини бунга тайёрлаш, умумбелгиланган солиқ тўловига ўтаётган корхоналарда тушунтириш олиб бориш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси қўйилгани бежиз эмас.

Янги қабул қилинган солиқ сиёсати концепциясининг амалиётга тўлиқ татбиқ этилиши мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Сармоядорларга узоқ муддатли бизнес лойиҳаларини режалаштиришдаги қийинчиликларга барҳам беради.

Ўз навбатида, биз, депутатлар мазкур концепциянинг мақсадини, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини сайловчиларга, кенг жамоатчиликка етказишимиз, унинг тўла-тўкис бажарилиши устидан парламент, депутатлик назоратини ўрнатишимиз лозим.

**Абдурашид АБДУҚОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Бугун халқимиз фаровонлигини, давлатимиз иқтисодиётини ўйлаб жорий этилаётган солиқ тизимидаги янгича ўзгаришлардан ҳамма ҳам тўғри фойдаланавермаслиги мумкин. Бу жараёнда ўзининг шахсий манфаатлари йўлида мавжуд тартибларни бузиш ҳолатлари ҳам, "айланма йўллар"дан юрувчи "тадбиркор"лар ҳам топилади. Аммо қанчалик мураккаб ва машаққатли бўлмасин, кўзда тутилган кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш учун талаб этиладиган бюджет маблағлари бўйича белгиланган параметрлар асосида даромад қисмининг тўлиқ ижроси таъминланмоғи шарт.

Давлатимиз раҳбари ўтказган видеоселектор йиғилишида айтилган гапларни тинглаб, яна бир мулоҳаза туғилди. Биз, парламент аъзоларининг ҳудудлардаги ўрганишлари давомида жойларда иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолият кўрсатаётганлар улушининг (40 — 50 фоизигача) юқорилиги, савдо-хизмат кўрсатиш объектларида банкдан ташқари пул айланиши миқдорининг кўплиги, белгиланган тартибда рухсат берувчи ҳужжатларсиз фаолият кўрсатаётган "тадбиркор"лар сони оз эмаслиги, маҳсулотларни, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини фактура ҳужжатларисиз ва асоссиз оширилган нархларда сотилаётгани каби хунук ҳолатлар кузатилмоқда.

Бу каби салбий вазиятларнинг олдини олишда ва аниқланадиган камчиликларни бартараф этишда республикамиздаги солиқ органларида фаолият олиб бораётган 12 мингдан ортиқ ходимнинг ўрни жуда муҳим. Афсуски, юқоридагидек ҳолатларнинг келиб чиқишига айрим солиқ идораси ходимларининг масъулиятсизлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу боис жойлардаги солиқ идораси ходимлари учун аниқ белгиланган ҳудудларда солиқ тўловчилар томонидан қонун ва қоида бузилишига йўл қўймаслик, соҳада доимий назорат ўрнатиш лозим. Энг муҳими, аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган зарур ҳуқуқ ва кафолатларни яратиш, шу билан бирга, уларнинг мазкур ҳолатларга нисбатан масъулиятини янада ошириш, жавобгарлигини белгилаш ҳамда кучайтириш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳудудларга бириктирилган ҳуқуқ-тартибот органлари, жумладан, солиқ идораси ходими фаолияти устидан жойлардаги халқ ноиблари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари томонидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга.

**Зиёда АШУРОВА ёзиб олди.**

## Эътироф

# 2018 йил Беларусь – Ўзбекистон муносабатларида, том маънода, шиддатли ўзгаришлар йили бўлди

*Беларусда Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни кенгайтиришга ниҳоятда муҳим масала, деб қаралади. Мамлакатларимизни ҳамиша ҳақиқий дўстлик муносабатлари, ўзаро ҳурмат, очиқ мулоқот ва фойдали ҳамкорлик боғлаб турган. Икки томонлама ҳамкорлик ўрнатилганининг чорак асрлик юбилей йилида алоқаларимиз сезиларли даражада фаоллашди.*



Беларусь Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи ўтаётган йилнинг энг муҳим воқеасига айланди. Сентябрь ойида етакчилар — Александр Лукашенко ва Шавкат Мирзиёевнинг учрашуви барча жабҳада белорус — ўзбек муносабатлари жадаллашуви учун кучли туртки бўлди. Ташриф якунида турли йўналишларга доир 19 та ҳужжат имзоланди.

Парламентлараро алоқалар фаоллашди, Беларусь ва Ўзбекистон вазирликлари ҳамда идоралари, жамоатчилик ва ёшлар ташкилотлари яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Бундай ижобий жараённи мамлакатларимиз ҳудудлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон пойтахти ва вилоятлар делегациялари минтақамизга ташриф билан борди. Минск ҳамда Тошкент вилояти ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим тузилди. Гродно ва Самарқанд вилоятлари, Брест ва Бухоро вилоятлари, Минск ва Тошкент шаҳарлари ўртасида шерикликка доир келишувлар тайёрланди.

Беларуснинг муҳим савдо-иқтисодий шериги сифатида Ўзбекистоннинг роли янада кучайди. Ўзаро саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон ҳамда Беларусь ўртасида ташқи савдо айланмаси 2018 йилнинг январь — ноябрь ойларида 2,5 баробар кўпайиб, 380 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди. Ташқи савдога оид ушбу рақамлар ортида мамлакатларимиз талабгор бўлган ҳақ тўланадиган иш ўринлари ва сифатли маҳсулотлар турибди.

Тошкентда ишбилармонлик ва минтақалараро ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Беларусь бизнес форуми ҳамда "Made in Belarus" йирик кўргазмаси ташкил этилди. Унинг экспозициялари билан нафақат экспертлар, балки республика аҳолиси ҳам танишди. Ўзбекистон пойтахтида йўл-қурилиш, коммунал ва махсус техникалар ишлаб чиқариш бўйича "Amkodor-Agrotexmash" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона фойдаланишга топширилди.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Беларусь ҳукуматлараро қўшма комиссияси иқтисодий масалаларнинг барча йўналиши билан мунтазам шуғулланиб келяпти. Жорий йил август ойида Тошкентда унинг олтинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Икки мамлакат Бош вазирлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасидаги алоқаларни жадаллаштириш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди. У ҳамкорликнинг устувор йўналишларини ўзида акс эттирган асосий ҳужжатдир.

Умуман олганда, ўтаётган 2018 йил Беларусь — Ўзбекистон муносабатларида, том маънода, шиддатли ўзгаришлар даврига айланди. Бинобарин, келаётган йилда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга қаратилган қатор кенг миқёсли тадбирлар кутилаётир. Беларуслик ва ўзбекистонлик мутахассислар Ўзбекистон ҳудудида қишлоқ хўжалиги, йўл-қурилиш машинасозлиги, фармацевтика тармоқларида қўшма корхоналар, шунингдек, пахтани қайта ишлаш бўйича кластер яратиш борасида фаол иш олиб боряпти.

2019 йилда Минскда Беларусь ва Ўзбекистон минтақаларининг биринчи форумини ўтказишга тайёргарлик кетмоқда.

Тошкентда мамлакатимизнинг сут, қандолатчилик ва трикотаж маҳсулотлари фирма дўконлари очилаётир.

Жорий йилда Тошкентда Беларусь Республикасининг маданият кунлари муваффақиятли ўтказилди. Минскда эса ўзбекистонлик ижодий жамоаларни интиқлик билан кутишмоқда. Сабаби келгуси йилда Беларусда Ўзбекистон Республикасининг маданият кунлари ташкил этилади.

Илм-фан ва таълим соҳасида ҳам ўзбек ёшларига Беларусда ўқишлари, тажриба алмашиш, мутахассисларни стажировкадан ўтказиш, қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун улкан имкониятлар очилмоқда.

Мамлакатларимиз ёшлар ташкилотлари келгуси йил учун қатор қўшма лойиҳаларни режалаштириб қўйган. Талабалар отрядлари ҳаракати ва ёшлар туризмини қайта тиклаш шулар жумласидандир.

Янги йил яқинлашиб келаётгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси гуллаб-яшнашига чин дилдан тилакдошман, мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорик ришталарини доимо олқишлайдиган халқингизга эса тинчлик, эзгулик ва фаровонлик тилайман!

**Леонид МАРИНИЧ, Беларуснинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси.**

# ЯКУНЛАНАЁТГАН ЙИЛ ҲАҚИДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ҚАНДАЙ ФИКРДА?

1 ➡

Бу замонавий таҳдидлар ва хатарларга жавоб бериш, ҳар бир фуқаро, бутун жамият манфаатлари амалга оширилишини таъминлашга қодир давлат бошқаруви тизимини яратишга хизмат қилди.

Сўровда қатнашганларнинг 82,1 фоизи ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, маъмурий тўсиқларни йўқотиш, хусусий тадбиркорликнинг жадал равнақи йўлидаги ғовларни олиб ташлаш, инновацион ғоялар ва технологияларни татбиқ этиш бўйича рўёбга чиқарилаётган комплекс чора-тадбирлар муҳим эканлигини таъкидлашди.

## Қонун устуворлиги

Ўзбекистонликларнинг 96,3 фоизи суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди ҳамда маъқуллайди. Хусусан, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ҳамда тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахслар, жумладан, ёшлар ва аёллар Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмиталари кафиллиги билан жазодан озод этилди. Фуқароларнинг фикрича, мазкур ўзгаришлар ўзбек халқига хос бўлган инсонпарварлик фазилатларига мос келади, бу раҳм-шафқатга муҳтож инсонларга олижаноблик кўрсатишга бўлган интилиш намунасидир.

## Кучли ижтимоий ҳимоя

Уй-жойлар қуриш, шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш, аҳолининг қулай тураржойларга бўлган эҳтиёжини имтиёзли кредитлар бериш йўли билан таъминлаш жорий йил ижтимоий соҳада қўлга киритилган энг муҳим ютуқлардандир. Юртдошларимизнинг 81,4 фоизи ана шундай фикр билдирган.

Тадқиқотда иштирок этганларнинг 78,1 фоизи амалга оширилаётган "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари аҳолининг уй-жой ҳамда социал муаммоларини ҳал этишга туртки берганини айтиб ўтди. Сув таъминоти, йўллар, электр тармоқлари, газ қувурларини қуриш, таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар боғчалари, мактаблар, тиббиёт, спорт, маданият муассасаларини реконструкция қилиш, таъмирлаш шулар жумласидандир.

Фуқаролар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, эҳтиёжманд оилалар, имконияти чекланган инсонларга моддий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирларни ижобий баҳолашяпти.

Респондентларнинг 61,8 фоизи хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашга қаратилган ишлар натижаларига юқори баҳо беришди. 54,4 фоизи эса 2018 йилда уларнинг моддий аҳволи яхшиланганини, оила бюджетига пул тушумларининг умумий ҳажми ўсганини қайд этди. Тадқиқотга кўра, ўзбекистонликларнинг даромади ойлик иш ҳақлари (78,2 фоизи), пенсия кўпайиши (53,3 фоизи), томорқасида етиштирган ҳосили, чорва моллари, паррандалари, сут маҳсулотларини сотишдан олган фойдаси (50,2 фоизи), тадбиркорлик, фермерлик фаолиятидан олинган даромадларининг ўсиши (26,2 фоизи) ҳисобига ортган.

Тадқиқотда яна шу аён бўлдики, ўтаётган йилда даромадлар қатори фуқароларнинг харажатлари ва эҳтиёжлари ҳам ошган. Одамлар таълим олиш, соғлиғини асраб-авайлаш, маданий тадбирларга бориш, шунингдек, оилавий маросимлар ўтказишга кўпроқ маблағ сарфлай бошлаган. Айни чоғда озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон сотиб олиш, коммунал хизматлар учун тўловлар, даволаниш, ОТМда ўқишга контракт тўлаш харажатлари кўпайган.

## Таълим

2018 йилда таълимнинг барча бўғинидаги муаммоларни ҳал этиш, жамиятда педагоглар мақоми, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилган самарали чора-тадбирлар бажарилди. Респондентлар фикри шундай.

Ҳамюртларимиз таълим-тарбия жараёнларига замонавий ва инновацион педагогик услублар, шунингдек, АКТни жорий этиш, ўқув дастурлари, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш бўйича ташланаётган қадамларни қўллаб-қувватлайди. Қолаверса, улар юртимизда янги олий ўқув юртлари, хориждаги машҳур университетлар филиаллари очилаётгани, қабул квоталари кўпайтирилгани, турли йўналишларда сиртқи бўлимлар ташкил қилинганини ижобий ҳолат сифатида эътироф этишди.

## Прагматик ташқи сиёсат

"Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ошиши, хорижий давлатлар билан ўзаро фойдали ва конструктив ҳамкорликнинг ҳар томонлама ривожлантирилиши жорий йил ташқи сиёсат соҳасида эришилган асосий муваффақиятлардир", — дея фикр билдирган фуқароларнинг 88,9 фоизи. Респондентлар Президентимизнинг қўшни мамлакатлар, дунёдаги етакчи давлатлар раҳбарлари, БМТ, МДҲ, ШҲТ, ИҲТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан фаол мулоқотни йўлга қўйиш бўйича ташаббусларини юқори баҳолашмоқда. Ўзбекистоннинг яқин ва узоқ хориждаги давлатлар билан савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техник соҳалардаги ҳамкорлиги кенгайиб бораётир.

Сўровдан маълум бўлдики, жамиятда миллатлараро ҳамда динлараро бағрикенглик ўсиб боряпти. Иштирокчиларнинг 99,2 фоизи давлат сиёсати миллатлараро ва фуқаролар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг асоси, деб билади.

## Одамларни нима ташвишга солмоқда?

Тадқиқот давомида энг долзарб муаммолар ҳам аниқланди. Мисол учун, сўровда қатнашганларнинг 62,7 фоизи бандлик ва ишга жойлашиш, самарали меҳнат бозорини яратиш масалаларини ечишни кучайтириш лозим, деб ҳисоблайди. Аҳолининг учдан бир қисмини коммунал хизматларга белгиланган юқори нархлар, миграция даражасининг ўсиши, ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги ташвишга солаётир.




Умуман олганда, жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотга кўра, мамлакат аҳолисининг аксарияти, яъни 95,6 фоизи Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ислоҳотларни маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди. Зеро, улар мамлакатни янада ривожлантириш ҳамда янгилаш, жамиятда ўзаро ҳурмат, миллатлараро ва фуқаролар ўртасидаги ҳамжиҳатлик муҳитини яратиш, ҳар бир фуқаро ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.**




## Бунёдкорлик

# Коворкинг-маркази ёшларга совға

*Навоий шаҳрида тадбиркор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 миллиард 200 миллион сўм маблағ эвазига "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-маркази бунёд этилди.*

— Вилоятимизда навқирон авлоднинг инновацион ғоя ва лойиҳаларини рағбатлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида ташкил этилган жамғарма ҳисобидан жорий йилда 22,2 миллиард сўм, вилоят ҳокимлиги томонидан эса 229 миллион сўмлик ҳомийлик маблағлари ажратилган эди, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Навоий вилояти кенгаши раиси Жамшид Ходжаев. — Келажакка йўналтирилган бу сармоя беиз кетмайди.

Коворкинг-маркази вилоят ёшларига Янги йилга ўзига хос туҳфа бўлди.

**Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Тадбир

# Маҳалла сайлови янги қоидалар асосида ўтказилади

*Янги таҳрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Қонунга бир қатор ўзгартишлар киритилган бўлиб, эндиликда маҳалла сайловлари шулар асосида ўтказилади.*

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашида бўлиб ўтган 2019 йил май ойида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тайёрланган "йўл харитаси" лойиҳаси юзасидан ҳамкор ташкилотлар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда шулар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Мазкур "йўл харитаси" лойиҳасида фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирлар, сайловни ўтказиш ҳамда сайлов якунларини чиқариш, ОАВда эълон қилиш ва фуқаролар йиғини органларини шакллантириш, янги раисларни ўқитиш, уларнинг инновацион ҳамда ахборот технологиялари бўйича билимларини ошириш каби масалалар қамраб олинган бўлиб, улар ишчи комиссия аъзолари томонидан муҳокама қилинди. Якунда лойиҳага ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга келишиб олинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Тошкент молия институти ректорати ва касаба уюшмаси институтнинг Бухгалтерия ҳисоби кафедраси доценти Жўрабек Қурбонбоевга отаси

**Эрубой ҚУРБОНБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

## 2018/2019 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танлови ғолиблари

## Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича

**Тешаев Нозимжон Нусратович**
*(Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналишлари бўйича)*



1997 йил 8 сентябрда Бухоро вилоятида туғилган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали гидромелиорация факультети “Сув хўжалиги ва мелиорация” таълим йўналишининг 4-босқич талабаси.

2016 йил Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиалида “Ижодкор ёшлар ва инновацион тараққиёт” мавзуида ўтказилган 3-илмий-амалий анжуманда фахрли 1-ўринни эгаллаган. Инглиз тилида эркин сўзлаша олади. Филиалдаги энг иқтидорли талабалардан ҳисобланиб, халқаро ва республика конференцияларида, жамоатчилик ишларида, фан олимпиадаларида, илмий-амалий ишларда фаол иштирок этиб келади.

Ҳозирги кунда “Шўрланган ва шўрланишга мойил тупроқларда соя ўсимлигини суғориш технологияси элементларини ишлаб чиқиш (Бухоро вилояти мисолида)” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Шоикромов Шотемур Бахтиёр ўғли**
*(Техника ва информатика йўналишлари бўйича)*



1996 йил 1 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг йўл қурилиш машиналари ва автомобиль транспорти эксплуатацияси факультетининг 4-босқич талабаси. 2017 йил талабалар учун таъсис этилган Беруний номидаги давлат стипендияси совриндори.

Институт раҳбарияти томонидан ўқишдаги аъло баҳолари ва жамоат ишларида фаоллиги учун бир неча бор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Ўқишда юқори натижаларга эришиши билан бирга, халқаро ҳамда республика илмий журнал ҳамда тўпламларида долзарб мавзулардаги илмий-оммабоп мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда.

Айни пайтда “Юк автомобилларининг гидравлик тизимларини таҳлил қилиш” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Фазлиев Суннатулло Алойиддинович**
*(Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот таълим йўналишлари бўйича)*

1995 йил 23 сентябрда Бухоро вилоятининг Вобкент туманида туғилган. Тошкент



фармацевтика институтининг фармация йўналиши 4-босқич талабаси. 2017 йилнинг март ойида Беларусь Республикаси Фанлар академияси томонидан ўтказилган кимё, физика, биология ва математика фанларидан комплекс тарзда тузилган “СТЕНД” олимпиадасида 3-ўринни эгаллаб, бронза медални қўлга киритган.

Унинг илмий изланишлари натижалари асосида мамлакатимиз ҳамда МДҲ давлатларида 6 та илмий мақола ва 18 та тезиси турли илмий журнал, илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида чоп этилган.

"Ёшлар ҳафталиги", “Биз гиёҳвандликка қаршимиз", “Мунозара” каби фестиваль ва кўрик-танловларда ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этиладиган турли маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда “Маҳаллий хом ашёлар асосида юмшоқ дори шаклларини ишлаб чиқиш” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Исмаилова Ирода Анваровна**
*(Хорижий тиллар таълим йўналишлари бўйича)*



1997 йил 3 июнда Хоразм вилояти, Хива туманида туғилган. Урганч давлат университети филология факультети “Лингвистика”(немис тили) таълим йўналиши 4-босқич талабаси. Ўқиши давомида юқори натижаларга эришиш билан бирга, республика ва халқаро миқёсдаги журнал ҳамда тўпламларда хорижий тилни ўрганиш услубиятига оид мақолалари, тезислари билан фаол қатнашади. 2018 йилда унинг “Religion” номли ўқув-услубий қўлланмаси германиялик мутахассислар томонидан эътироф этилиб, Германия Федератив Республикасининг “Fromm-Verlag” нашриёти томонидан чоп этилди. Илмий раҳбари билан биргаликда “Чет тили дарсларида Кристина Ностлингернинг “Die feuerrote Friederike” асари мисолида адабий матнлар билан ишлаш” номли ўрта умумтаълим мактаблари ва академик лицейларнинг чет тили, хусусан, немис тилини ўрганувчи ўқувчилари учун ўқув-услубий қўлланма тайёрлаган.

Ҳозирги кунда “Сўз ва унинг маънолари” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Самадов Азиз Илҳомович**
*(Табиий фанлар таълим йўналишлари бўйича)*



1989 йил 25 июлда Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат университети “Амалий математика ва информатика” таълим йўналиши 4-босқич талабаси. Унинг ахборот хавфсизлиги ҳамда амалий дастурлаш масалаларига бағишланган илмий мақола ва тезислари мамлакатимиз ҳамда хориждаги турли илмий журнал, илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида чоп этилган.

Маъруза ва амалий машғулотларда фаол қатнашиб, ўқув фаолиятидаги назарий билимларини амалиёт билан узвий боғлаган.

Шу билан бир қаторда 3 та амалий дастур яратгани учун патент олган. 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси талабалари учун таъсис этилган Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендиясининг ғолиби бўлган.

Айни пайтда “Амалий дастурлаш” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Усмонов Бунёд Актам ўғли**
*(Бизнес ва бошқарув таълим йўналишлари бўйича)*



1997 йил 4 мартда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида туғилган. Ҳозир Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Корпоратив бошқарув” таълим йўналишининг 3-босқич талабаси.

Унинг 30 дан ортиқ илмий мақола ва тезислари, халқаро ҳамда республика миқёсидаги илмий журнал ва конференция материаллари тўпламларида чоп этилган. Шунингдек, 2016 йил 14-15 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган VII ёшлар форуми доирасида “Фан ва техника тараққиётида иқтидорли ёшларнинг ўрни” республика илмий-амалий анжуманида қатнашиб, “Энг яхши маъруза” танлови ғолиби бўлган.

Ҳозирги пайтда “Саноат корхоналари инвестицион жозибадорлигини оширишда корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Ёриқулова Нигора Истам қизи**
*(Педагогика таълим йўналишлари бўйича)*

1997 йил 20 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети физика-математика факультетида “Математикани ўқитиш методикаси” таълим йўналишининг 4-босқич талабаси.



Фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириш билан бир қаторда, факультет талабалари ўртасида ўтказилган олимпиадаларнинг ғолиби, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида ўз илмий мақолалари билан иштирок этиб келмоқда.

Унинг илмий изланишлари математикани ўқитишнинг долзарб муаммоларини тадқиқ қилишга бағишланган.

Ҳозирги кунда “Математикани ўқитишнинг долзарб муаммоларини тадқиқ қилиш” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Насимов Фотиҳ Ҳилол ўғли**
*(Маданият, санъат ва спорт таълим йўналишлари бўйича)*



1996 йил 31 мартда Тошкент вилояти, Қибрай туманида туғилган.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Телевидение ва радио режиссёрлиги” таълим йўналишининг 4-босқич талабаси. Ёш ижодкор ўзининг изланувчанлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб туради. Дастлабки қадамларини киноактёр ва режиссёр сифатида бошлади. 2017 йилда ўтказилган ёш кино ижодкорларнинг “Prologue” республика фестивалида “Устунсиз уй” фильми билан иштирок этиб, “Энг яхши актёр” деб топилган. Шунингдек, илк режиссёрлик иши бўлмиш “Нажот” қисқа метражли фильми билан фестивалда қатнашиб, “Энг яхши ижодий иш учун” номинацияси бўйича диплом билан тақдирланган.

Фотиҳ Насимов “Остона”, “Сардор 2”, “Сардор 3” сериалларида, “Ёдгор”, “Афанди ва азроил”, “Номус”, “Кичкина одамлар”, “Фақат ғалаба”, “Қарздор”, “9 ой”, “Алданган аёл”, “Тубанлик”, “Гумроҳлар” сингари бадиий фильмларда ҳамда “Муҳаммад Юсуф” хотирасига бағишлаб тасвирга олинган ҳужжатли фильмда, Россия Федерацияси кино ижодкорлари билан ҳамкорликда тасвирга олинган фильмларда ҳам ролларини муваффақиятли ижро этиб, жамоатчилик эътиборини қозонди.

Бир нечта илмий-амалий конференцияларда “Тил, адабиёт ва санъат уйғунлиги", “Муқаддас динимиз ва ёшлар онги ҳимоясида кино санъатининг ўрни ва аҳамияти” мавзуидаги мақолалари билан иштирок этиб, диплом ва сертификатлар олган. Фотиҳ Насимов ижодий фаолиятини давом эттириб, янги фильмлар яратиш устида изланмоқда.

Айни пайтда “Ўзбек миллий киносанъатида маънавий маърифий ва ахлоқий жараёнлар талқини” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Пирназаров Нурназар Рашид ўғли**
*(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар таълим йўналишлари бўйича)*



1993 йил 23 январда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида туғилган. Қорақалпоқ давлат университети ижтимоий-иқтисодиёт факультети “Фалсафа” таълим йўналишининг 4-босқич талабаси.

2016 йили Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг устав ва дастури асосида, партиянинг мақсад ҳамда вазифаларини тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган “Энг илғор либерал тарғиботчи” танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 1-ўринни эгаллаган. 2017 йили академик Чаржов Абдиров номидаги илмий-маданий хайр-саховат “Меруерт” ижтимоий фонди томонидан ўтказилган танловнинг “Энг яхши бадиий асар” йўналишида биринчи даражали диплом билан тақдирланган. Ҳозирги кунгача унинг 20 га яқин мақола ва тезислари АҚШ, Польша, Россия, Украина сингари давлатларнинг илмий журналлари ва тўпламларида нашр этилган. Инглиз ҳамда рус тилида эркин сўзлаша олади.

Ҳозирги кунда “Маънавиятнинг фалсафий-методологик асослари” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Хайитбоев Шерзод Хамидулла ўғли**
*(Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим йўналишлари бўйича)*



1995 йил 17 августда Тошкент шаҳрида туғилган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро иқтисодий муносабатлар факультетининг 4-босқич талабаси. У халқаро ва республика доирасидаги илмий журнал ҳамда анжуманларда 20 дан ортиқ илмий мақола ва тезислари билан қатнашган. Илмий раҳбари билан ҳаммуаллифликда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримов асарлари асосида тайёрланган “Ким эдиг-у, ким бўлдик” деб номланган ўқув-услубий қўлланмаси чоп этилган. У 2016 йилда Жанубий Кореянинг Аджу университетида таҳсил олиб қайтган. 2017/2018 ўқув йилида Ислом Каримов номидаги давлат стипендияси совриндори бўлган.

Айни пайтда “Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш ва унинг жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш истиқболлари” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

## Магистратура мутахассисликлари бўйича

**Озодов Эъзозбек Ойбек ўғли**
*(Қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисликлари бўйича)*



1995 йил 5 мартда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида туғилган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш” мутахассислиги магистранти. Эъзозбек Озодов халқаро ва республика илмий-амалий анжуман ҳамда семинарларда республикамиз сув хўжалиги соҳасида мавжуд бўлган муаммоларга технологик ечимларни тақдим этиб келмоқда. “Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечимлари” номли халқаро конференцияда андроид тизимидаги дастур билан иштирок этиб, ғолиб бўлган. Илмий раҳбари билан ҳаммуаллифликда монография ҳамда “Суғориш тизимларини автоматлаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлиги” номли ўқув қўлланмаси чоп этилган. Инглиз ҳамда рус тилларида эркин сўзлаша олади.

Айни пайтда Эъзозбек Озодов “Орол экологик ҳудудида индивидуал фойдаланувчига мўлжалланган насос станцияларида автоматлаштириш воситалари ва жараёнларини ташкиллаштириш” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Султанов Жаҳонгир Шералиевич**
*(Техника ва информатика мутахассисликлари бўйича)*



1992 йил 12 февралда Бухоро шаҳрида туғилган. Бухоро муҳандислик-технология институти “Ишлаб чиқариш технологиялари” мутахассислиги 2-босқич талабаси. У полимерларни қайта ишлаш технологияси фанидан ҳаммуаллифликда икки қисмдан иборат ўқув қўлланма тайёрлашда фаол иштирок этган. Рус ва инглиз тилларида эркин сўзлаша олади. “Энг фаол ёш тадбиркор” танлови республика босқичи ғолиби. Унинг мақола ва тезислари мамлакатимиз ҳамда МДҲга аъзо давлатлар илмий журнал ва тўпламларида чоп этилган.

Ўзбекистон Республикаси Ўсимлик моддалари кимёси илмий-текшириш институти, Тошкент кимё-технология институтининг Пластмасса кафедраси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти билан ҳамкорликда “Полимер композицион материалларни озиқ-овқат саноатида қўллашнинг истиқболли йўллари ва тадқиқ қилиш усуллари афзаллиги” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Ғуломова Зиёдахон Хайриддин қизи**
*(Хорижий тиллар мутахассисликлари бўйича)*

1992 йил 1 июлда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети



“Адабиётшунослик” (инглиз адабиёти) мутахассислиги 2-босқич талабаси. Ўқиши давомида юқори натижаларга эришиш билан бирга, республика ва халқаро миқёсдаги журнал ҳамда тўпламларда хорижий тилларни ўрганиш услубиятига оид мақола ва тезислари билан қатнашмоқда. У ўқиш ҳамда илмий изланишлардан ташқари, бадиий асарлар таржимаси билан ҳам шуғулланади. Шу кунгача америкалик адибларнинг бир қанча асарларини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Ҳозирги пайтда “New stereotypes of images in Harlem Renaissanse literature” (“Харлем уйғониш даври адабиётида қаҳрамонларнинг янги стереотипи”) мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Айимбетова Замира Мақсетбай қизи**
*(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар мутахассисликлари бўйича)*



1994 йил 16 октябрда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида туғилган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети “Адабиётшунослик” (қорақалпоқ адабиёти) мутахассислиги 2-босқич талабаси. У университетда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, халқаро миқёсда ўтказиладиган илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этиб, бир нечта илмий мақолалар ёзган. Германия ва Ҳиндистонда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманларда қатнашган. У турли фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ғолиби сифатида бир нечта фахрий ёрлиқ, диплом, сертификатларни қўлга киритган. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлаша олади.

Айимбетова Замира Мақсетбай қизи айни вақтда “И. Юсуповнинг лиро-эпик поэмалари: ғоявий-мавзувий, жанрий-услубий ўзига хосликлари. Қаҳрамон образи” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Самадов Мақсуд Хамроқулович**
*(Табиий фанлар мутахассисликлари бўйича)*



1992 йил 21 мартда Жиззах вилояти, Дўстлик туманида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Конденсацияланган муҳитлар физикаси ва материалшунослик (яримўтказгичлар физикаси)” мутахассислиги 2-босқич талабаси. Унинг ҳаммуаллифликда “Ядро ва элементар заррачалар физикаси”, “Ядро ва элементар заррачалар физикаси элементлари”, “Атом ва ядро физикасининг фундаментал тажрибалари”, “Термоядро реакциялари” сингари услубий қўлланмалари нашр этилган. “XXI аср — интеллектуал авлод асри” “Инновацион ғоялар, технология ва лойиҳалар” каби танлов ҳамда тадбирларда фаол иштирок этганлиги учун тақдирланган. Маъруза ва амалий машғулотларда фаол қатнашиб, ўқув фаолиятидаги назарий билимларини амалиёт билан узвий боғлаган. Халқаро нуфузли журналларда мақолалари чоп этилган. Рус ҳамда инглиз тилларида эркин сўзлаша олади.

Ҳозирги кунда “Ўта ўтказгичлардаги номувозанат жараёнлар тадқиқи” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Ражабов Шароф Атабой ўғли**
*(Бизнес ва бошқарув мутахассисликлари бўйича)*



1994 йил 1 июнда Хоразм вилоятининг Боғот туманида туғилган. Тошкент молия институтининг “Банк ҳисоби ва аудит” мутахассислиги 2-босқич талабаси. Ражабов Шароф Атабой ўғли математика ва инглиз тилларини чуқур ўзлаштирибгина қолмай, бир нечта олимпиадаларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган. У иқтисодиётнинг долзарб мавзуларига бағишланган кўплаб илмий мақола ва тезислари билан республика миқёсидаги конференцияларда фаол қатнашиб келмоқда. Унинг илмий тадқиқот ишлари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини ислоҳ қилиш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларининг яратилиши бўлиб, ушбу тизимнинг энг асосий бўғинларидан бўлган пенсия тизими барқарорлигини таъминлаш, давлат мақсадли жамғармалари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирги пайтда “Тижорат банкларида ички аудит ва уни такомиллаштириш” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Зайнутдинова Махлиё Бобомуродовна**
*(Педагогика мутахассисликлари бўйича)*



1990 йил 28 июлда Навоий вилояти, Кармана туманида туғилган. Навоий давлат педагогика институти “Она тили ва адабиёти” (рус тили) мутахассислиги 2-босқич талабаси. Аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, халқаро ҳамда республика илмий-амалий анжуманларида фаол қатнашиб, диплом, сертификат ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Унинг илмий изланишлари натижасида 19 та мақола ҳамда 2 та методик қўлланма чоп этилган. Махлиё Бобомуродовна кам ўрганилган соҳаларни, хусусан, рус тилида сўз туркумидан сўз ясалишида морфонологик ҳодисаларни тадқиқ қилишда тизим ва дистрибуция методларини ўрганган.

Ҳозирги пайтда “Рус тилида сифат сўз туркумидан сўз ясалишида учрайдиган морфонологик ҳодисаларни ўрганиш методикаси” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

У рус тилида сўз ўзгариши ва ясалишини мактаб таълимида инновацион педагогик технологияларни жорий этиш ва ўрганиш бўйича методик йўриқномалар асосида тадқиқот олиб бормоқда.

**Мирпўлатова Мунис Акмал қизи**
*(Маданият, санъат ва спорт мутахассисликлари бўйича)*



1994 йил 17 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент архитектура-қурилиш институти “Дизайн” мутахассислиги 2-босқич талабаси.

У 2017 йилда бўлиб ўтган Тасвирий ва амалий санъат фестивалида ўз ижодий иши билан иштирок этиб, олтин медалга сазовор бўлган. Шунингдек, Ўзбекистон меъморлар уюшмаси бошқарувида бўлиб ўтган “Ўзбекистоннинг энг яхши архитектура лойиҳалари” танловида бакалаврлик битирув-малакавий иши бўйича қатнашиб, 1-даражали диплом билан тақдирланган.

У кўплаб илмий мақола ва тезислари билан республика миқёсидаги конференцияларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳозирги кунда “Ўзбекистон архитектуравий дизайн объектларини инновацион лойиҳалаш услубиятида ижтимоий-маданий асос” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Халмухамедов Жавохир Азизович**
*(Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот мутахассисликлари бўйича)*



1992 йил 27 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент педиатрия тиббиёт институти “Шошилинч тиббий ёрдам” мутахассислиги 2-босқич талабаси. Халқаро ва республика миқёсидаги турли журналлар, илмий-амалий анжуманларда фаол қатнашиб келмоқда. Рус ва инглиз тилларида эркин сўзлаша олади. У ҳозир магистратурада ўқиш билан бирга, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида ҳам фаолият олиб бормоқда.

Маъруза ва амалий машғулотларда мунтазам қатнашиб, ўқув фаолиятидаги назарий билимларини амалиёт билан узвий боғлаган. Халқаро нуфузли журналларда мақолалари чоп этилган.

Жавохир Халмухамедов “Ўткир оғриқ синдроми — буйрак санчиғи уронефролитиазнинг зўравонлигига таъсирини баҳолаш” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Аширова Эльмира Акбар қизи**
*(Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар мутахассисликлари бўйича)*



1995 йил 24 мартда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат шарқшунослик институти “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик” мутахассислиги 2-босқич талабаси. Инглиз, япон ва корейс тилларида сўзлаша олади. Бугунги кунга қадар унинг 10 дан ортиқ илмий мақола ҳамда тезислари чоп этилган. Шунингдек, унинг ҳаммуаллифликда ўзбек, рус, инглиз ва япон тиллари иқтисодий терминлар луғати нашр этилган. Эльмира Аширова “Японияда халқаро меҳмонхона бизнеси соҳасини ривожлантириш масалалари” номли илмий рисола муаллифи ҳамдир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда туризм, хусусан, меҳмонхона туризмини ривожлантиришда Япония тажрибасини чуқур ўрганиш билан бир қаторда “Туристик хизматлар сифатини ошириш ва диверсификациялашнинг жаҳон тажрибаси” (Япония мисолида) мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Омонова Парвина Ҳалим қизи**
*(Журналистика мутахассисликлари бўйича)*



1995 йил 27 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг спорт журналистикаси мутахассислиги 2-босқич талабаси. У халқаро ва республика доирасидаги илмий-амалий анжуманларнинг фаол иштирокчиси. 30 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи. Жумладан, 8 та мақоласи халқаро журнал ҳамда тўпламларда чоп этилган. Чита, Қозон ва бошқа шаҳарларда ўтказилган илмий-амалий анжуманларда мақолалари билан қатнашиб, сертификатлар билан тақдирланган. Рус ҳамда инглиз тилларида эркин сўзлаша олади. Унинг “TV news programs: linguistics and stylistics” номли монографияси чоп этилган. Миллий матбуот саҳифаларида, жумладан “Yoshlar ovozi”, “Маърифат” газеталари, “Касбий фанлар методикаси” ва “Умумтаълим фанлар методикаси” журналларида соҳага доир материаллари билан фаол иштирок этади.

Айни пайтда “Comparative analysis of linguistic and stylistic peculiarities of TV news programs” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.00 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6